

Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад



13:30 / 13.06.2021 1564

Беназир имом, ҳофиз Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Али ибн Рустам Бухорий Калободий. 323 йилда таваллуд топганлар.

Калобод – Бухоро маҳаллаларидан бири.

Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Али ибн Муҳтож, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Муҳаммад Бағдодий Жаммол, Абдулмўмин ибн Халаф Насафий, Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Анбар, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб Ҳорисий ва буларнинг табақасидагилардан ҳадис эшитганлар.

Дорақутнийнинг ёшлари бу кишидан катта бўлса ҳам, «Ал-Мудаббаж» китобларида, шунингдек, Ҳоким, Жаъфар ибн Муҳаммад Мустаффирий ва бошқалар ҳам бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар.

Мустаффирий айтадилар: “Билишимча, бугунги кунда Мовароуннаҳрда Калободийдан ҳофизроқ киши йўқ”.

Ҳоким айтадилар: «Абу Наср Калободий котиб, яъни ривоятни ёд олсалар ҳам, уни ёзадиган, фаҳм ва маърифатлари гўзал, «Саҳиҳи Бухорий»ни мукамал биладиганлардан. Мовароуннаҳр, Хуросон, Ироқда ҳадис ёзганлар. Шайхимиз Абул Ҳасан Дорақутнийнинг у кишининг фаҳмлари ва ҳадисни билишларидан рози бўлганларини билдим. Калободий мутқин (ривоятни мукамал қилувчи) ва ҳар бир ҳадис калимасини ўз ўрнига қўювчидирлар. 398 йил жумодул охир ойида вафот этганлар.

